




ХИТОЙ САНКЦИЙЛАРДАН НОРОЗИ

Би-би-си мухбирининг хабар қилишича, Хитой раҳбарияти Эронга турли мақсадда ишлатиш мумкин бўлган то...



варлар ва технологиялар сотишда айбдор деб топилган ўз компанияларига қарши жазо чоралари қўллаш ҳақидаги АҚШ қарорини кескин норозилик билан қарши олган. АҚШ бу товар ва техно...

бактериологик ҳамда оддий куруллар ишлаб чиқаришда фойдаланган, деган фикрда. Хитой бу фикрларни инкор этар экан, мамлакат раҳбарияти оммавий қирғин куруллар тарқалишининг олдини олиш мақсадида барча чораларни қўраётганини таъкидлаётди.

Хамма гап шундаки, агар жазо чоралари қўлланилса, номлари тилга олинажак компаниялар шу йил май ойидан бошлаб Америка бозоридан фаолият юритиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган Хитойнинг 8 фирмаси каби АҚШдан ҳеч қандай товар ва технологияларни сотиб ололмайдди.

Бирок ҳали АҚШ Давлат департаменти жазо чоралари қўлланажак компаниялар рўйхатини эълон қилганича йўқ. Вашингтон Пекин ўз технологияларини керагича эҳтиётликда сақлаб қўлади, деган фикрда.

Дараклар

WORLD COM БАНКРОТГА УЧРАДИ

АҚШдаги энг йirik телекоммуникация компанияларидан бири - WorldCom ўзининг тўловга қобилиятсизлигини тан олди.




1999 йилда 175 миллиард доллар турган компаниянинг 104 миллиард долларни ташкил этарди. Дунёнинг 65 мамлакатда у 85 мингдан зиёд ишчиларига эга.


Маълум бўлишича, компания менежерлари ҳисоб-китобда атайин ноаниқликка йўл қўйиб келишган. Шу боис амалда зарарга ишлатилган компания ҳоҳида фойда билан ишлатилган қўрсаткичлар. Хато тузилганлигини сўнг ойдан бери, WorldComнинг бу сохталаштиришдан йўқотишлари 1.2 миллиард долларни ташкил этган.

Мияси ИНСОННИКИДЕК ...СИЧҚОН

Американинг Бостон шаҳри олимлари ген муҳандислиги ёрдамида мияси инсонникига монанд сичқон наслини яратдилар.



Мутахассислар айнан мана шу ҳолат мия тўқималарига мураккаб алоқаларни амалга ошириш имконини берадики, бунинг натижасида одам нутққа, атроф-муҳитни, ўзликини англаш имкониятига эга бўлишини айтишмоқда.



Хўш, "яратилган" сичқонлар ўзларининг оддий қавмларидан ақлироқ чиқди-ми? Бу савол ҳозирча очик қолмоқда. Чунки, генетиклар бош миёқобиғи инсонникидек қабириқ бўлган сичқонларни улар туғилиши биланқў ўлимга маҳкум этди. Зеро навабдаги босқичга ўтиш учун вақт, тайёргарлик керак.

Бирок, олимлар ушбу тажрибалар сичқонни ақли қилиш учун эмас, инсонларда улардан касалликларни даволашда асосқилинган тубдан янги дориларни ишлаб чиқишда, ақлий ривожланишга янги туртки бериш услубларни яратишда жуда қўл келади, дедоқлар.

Жаҳон иқтисодиётига глобаллашув ўзбекистон учун қуйдаги афзалликларни келтириб чиқаради: — Ўзбекистонга миллий муаммоларни ечишда жаҳон ҳамжамияти ёрдамидан фойдаланиш имкониятларини очади.

— Ишчилик муаммосини ечишда ёрдам беради. — Чет эл капиталининг Ўзбекистонга кириб келишига туртки бўлади.

— Ўзбекистонда ахборот тизимининг ривожланишига катта таъсир қўрсатади. — Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган товарларнинг рақобатбардошлигини оширади.

— Энг асосийси, ўзбек халқининг жаҳон билан ҳамнафас яшашига олиб келади. Хулоса қилиб айтганда, жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви давлатларни ҳамкорлик ва ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга мажбур қилиб қўлади.

Жасурбек АБДУСАМАТОВ, Тошкент давлат Иқтисодиёт Университети талабаси.

Моҳият

ТЕРРОР САРҲАД БИЛМАЙДИ

Еҳуд унинг «маънавий» шакли шамойиллари хусусида

Кураш кучаймоқда

Дин нисбатидаги турли ташиқлот ва уюшмаларга қарши кураш кейинги ўн йил давомида Европада анча кучайди. Франция, Германия, Бельгия ва Испания ўз қўнчиликларини янада кучайтиришди. Сектарларнинг ҳавфлиги тўғрисидаги парламент ҳулосаларидан келиб чиқиб, бутун Европада уларнинг тарқалиб кетишининг олдини олиш учун расмий ташиқлотлар тузилди.

1996 йилда Францияда руҳий таълиққа ураган Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида қонун қабул қилди. Лионел Жоспен ҳукумати сектарларга қарши курашуви миссияни ташкил этди. 2001 йил мартда эса француз миллий йиғини вакиллари бир овоздан янги қонунни қабул қилдилар. Унга кўра, товламачилик, ишончли суистеъмол қилиш, ноқонуний таълиқ билан ўзини реклама қилиш ҳамда шуғулланишда айбланган ҳар қандай секта элдик билан тўхтатилади. Бу сектарларга мактаб, касалхона, қариялар уйлари олдига миссиялар ташкил қилиш, аъзоликка даъват қилиш, шунингдек, фаолият тўхтатилганда уни бошқа ном билан ташкил этиш таъқиқланади. Ушбу қонунда жамиятга ҳавф туғдирувчи 170дан ортиқ ҳаракатлар тилга олинган.

Бу диний (аслида диний бўлмаган) ҳаракатларнинг баъзида аширин, баъзида ошқор тарафда уюштирилган ҳужумлари мукддас диннинг ҳам номи қора бўлишига сабаб бўлади. У ёки бу диний никоҳ қилиб олиб ўз ишоний ҳаракатларини амалга ошираётганлар ўзларини эмас, балки диннинг номини ёмонотлик қилишмоқда. Бу ҳаракатлари орқали улар ҳалқлар ўртасида диний адоватни юзага келтириш ва бу низолардан устамонлик билан фойдаланишга уринадилар. Россияда чоп этиладиган газеталардан бирининг муҳбири шундай мулоҳазаларни бил-

дирганки, менмечка, бу фикрлар ўрнили: "Биз террорчиликни "муҳождилар" деб аташ билан Аллоҳни ва мусулмон биродарларимизни ҳақорат қиламиз. Келинлар, уларни "дин йўлида курашувчи" деб эмас, балки ўз номи билан террорчи деб атайлик". Дарҳақиқат, мусулмон инсон ҳуломага ҳам озор етказмайди, тақводор бўлгани ҳолда, "дин йўлида курашувчи"нинг шафқатсизларча одам ўлдирлигини қандай тушуниш мумкин?

Хушёрлик ҳаммиса керак

Диний экстремизм муаммоси фақатгина Фарб давлатларининг муаммоси эмас. Ўз вақтида хушёрлик қилинмасан, бундай оқимлар бизнинг ҳам тузалмас ярамизга айланishi мумкин. Биргина Афғонистондаги бошбоқдоқлик, эътиборсизлик мамлакатнинг террорчилик лагерига, турли жиноий уюшма ва гуруҳларга аъзоларининг бошпанасига айлишига қолишига сабаб бўлди. Дунё мамлакатлари тобора жиқлашиб бораётгани сари террорчи уюшмалар "қўри қор қоронда топади" деганларидек бир-бири билан бирилашиб, ҳалқорамикдасдаги террорчилик гуруҳларига айланишмоқда. Қаердаки, маънавий-маъқуравий бўшлиқ бор экан, ушбу бўшлиқни бошқа оқимлар тўлдирди. Бунинг ўз вақтида Президентимиз ҳам кўп бора таъкидлаган. Айнан мана шундай оқимлардан ёшларимизни сақлаш учун уларни назоратсиз қолдирмаслик, доимо ёш авлоднинг маънавий тарбиясига эътибор бермок лозим. Ана шундангина келажакимиз бир ҳовуча жинотчиларнинг эмас, балки ҳақиқий барқамол авлоднинг қўлларига бўлади.

Д.АСҚАРОВ, журналист. (Охири. Боши ўтган сонларда).

Фикр

ГЛОБАЛЛАШУВ у бугун жуда зарур

XXI аср бўсағасида шаклланаётган халқаро муносабатларнинг муҳим кўринишларидан бири жаҳон ҳўжалигининг глобаллашуви. Глобаллашув деганда одатда халқаро савдонинг жадаллашуви натижасида жаҳондаги ижтимоий-иқтисодий, технологик, сиёсий ва маданий муносабатларнинг шак ва моҳияти ўзгаришини характерловчи жараён тушунилади.

Глобаллашув тушунчаси нақадар янги ва оммавий бўлмасин у Америка, Европа ва Осиё илмий доираларида жиддий тортишуларга сабаб бўлмоқда. Бир гуруҳ олимлар глобаллашув жараёнини ижобий баҳолаб, уни жаҳон иқтисодиёти ва сиёсий тартибини янги томонга ўзгаришига таъсир этаётган янги жараён сифатида таърифлаётган бўлса, иккинчи йўналишда вакиллари жаҳон ҳўжалиги глобаллашувиға мулоқоқ қаршидилар. Уларнинг қарашларида иқтисодий протекционизмга ургу бериш, миллий ўзликини сақлаб қолиш ва миллий иқтисодиётнинг халқаро иқтисодий жараёнларининг талаблари билан бошқарилишига қарши

чиқиш ҳолларини кузатиш мумкин. Лекин шу нарсани эътиборга олиш лозимки, глобаллашув ҳақида аниқ бир хулоса чиқариш жуда қўйин. Қолаверса, бунинг ҳали вақт кўрсатади.

Шу ўринда ҳақиқат савол туғилади: жаҳон ҳўжалигининг глобаллашуви қандай эҳтиёж туғайли пайдо бўлмоқда ва унинг жадал ривожланишига қандай омиллар туртки беради? Мазлумки, жаҳон ҳўжалигида ишлаб чиқариш омиллари нотекис жойлашган, яъни капиталга бой давлатларда табиий ресурслар оз ёки бунинг акси. Жаҳон ҳўжалиги глобаллашуви давлатларнинг ишлаб чиқариш омиллари тақсимотидаги қийинчиликлардан келиб чиқмоқда десак тўғрироқ бўлади. Глобаллашув ана шундай қийинчиликларни бартараф этувиға ягона йўлидир.

Глобаллашув орқали миллий чегараларга барҳам берилади, давлатларнинг ҳамкорлигида иш юритишига имконият яратилади. Трансмилли корпорациялар, фан-техника инжиқлиби, ахборот тизимларининг ривожланиши ҳамда юқори малакали иш қу-

ча бўлган кучли эҳтиёж жаҳон ҳўжалиги глобаллашувининг жадал ривожланишига асосий туртки бўлди.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида халқаро майдонга қадам қўйганлигиға энди 10 йилдан ошди. Шундай экан Ўзбекистон жаҳон ҳўжалиги глобаллашуви жараёнида иштирок этишининг ўзи учун қулай ва узоқ ҳеч қандай иқтисодий ҳавф солмайдиган йўллари ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Ўртабшомиз таъкидлаганларидек, "Ўзбекистон ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларни шакллантиришда, жаҳон ҳўжалигиға интеграциялашувида ҳамда жаҳон ҳўжалиги глобаллашувида иштирок этишида қуйдаги бешта тамойилга амал қилиши зарур: биринчидан, ўзаро манфаатларни ҳамкорликда ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устуворлиги; иккинчидан, тенг

ҳуқуқлик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик; учинчидан, мафқуравий қарорлардан қатъи назар ҳамкорлик учун очиклик, умуминсоний қадриятларға, тинчлик ва ҳавфсизликни сақлашға содиқлик; тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устуворлиги; бешинчидан, ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш".

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳўжалигиға глобаллашувни биринчи томондан, иқтисодий муаммоларни жаҳон ҳўжалиги билан ҳамкорликда ечиш билан жаҳон ҳўжалигиға бевосита чиқишиға имконият яратса, иккинчи томондан, Ўзбекистон эшикларини бутун дунё учун очилади. Ташқи ишлаб чиқарувчиларнинг Ўзбекистон ички бозорига янада кўпроқ кириб келишиға имконият

яратилади. Бу эса ички ишлаб чиқарувчилар учун кучли рақобатчи ҳам пайдо бўлади деганидир. Бунинг учун, албатта" муайян тайёргарлик қўриш кераклигини ҳам унутмаслик керак. Глобаллашувнинг бундай ҳеч қандай тайёргарликсиз оқибатларини Кирғизистон мисолида қўришчи, мумкин. Кирғизистон жаҳон ҳўжалигиға ўз эшикларини очди ва БСТ (Бутунжаҳон Савдо Ташкилотига) аъзо бўлди. Натижада охириги 2 йил ичида Кирғизистоннинг яли экспортти 30 фоизга, яли Миллий Махсулоти 18 фоизга қисқарди.

Жаҳон таърибасидан маълумки, глобаллашув икки хил кўринишда бўлади. Биринчиси, йирик, яъни жаҳон микёсидаги глобаллашув, иккинчиси, кичик, яъни ҳудудий глобаллашув. Ўзбекистон ва бошқа МДХ давлатлари учун ҳудудий глобаллашув энг мақбул йўл ҳисобланади. Чунки тарихий шакланган муносабатлар, иқтисодий тенглик ва жуғрофий яқинлик глобаллашув учун жуда катта имкониятлар очади. Ҳудудий глобаллашувнинг афзалликлари Европа иттифоқи мисолида қўришимиз мумкин. Шу жиҳатдан Ўзбекистон бошланғич босқичда тўлиқ

глобаллашувни МДХ давлатлари билан биргаликда йўлга қўйиши мақсадга мувофиқдир.

Жаҳон иқтисодиётига глобаллашув ўзбекистон учун қуйдаги афзалликларни келтириб чиқаради:

— Ўзбекистонга миллий муаммоларни ечишда жаҳон ҳамжамияти ёрдамидан фойдаланиш имкониятларини очади.

— Ишчилик муаммосини ечишда ёрдам беради. — Чет эл капиталининг Ўзбекистонга кириб келишига туртки бўлади.

— Ўзбекистонда ахборот тизимининг ривожланишига катта таъсир қўрсатади. — Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган товарларнинг рақобатбардошлигини оширади.

— Энг асосийси, ўзбек халқининг жаҳон билан ҳамнафас яшашиға олиб келади. Хулоса қилиб айтганда, жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви давлатларни ҳамкорлик ва ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашға мажбур қилиб қўлади.

Жасурбек АБДУСАМАТОВ, Тошкент давлат Иқтисодиёт Университети талабаси.

Дарҳақиқат, ҳозирги замон иқтисодиётида нодавлат ташкилотларнинг иқтисодий-молиявий нуфузи давлатларнинг умумий молиявий салоҳияти ҳажмига таққослаганда бир неча баробар устун нисбатини ифода қилади.

Планетамиздаги энг нуфузли бир йиллик ўртача пул айланмаси 20 миллиарддан ортиқ бўлган 25 йирик нодавлат халқаро саноат компаниялари ҳиссасига 2001 йилда дунёдаги яли ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг 60 фоизи тўри келмоқда. Нодавлат ташкилот-

ислохотчи" тамойили яна бир қарра ўз исботини намоён этади.

Яқин тарихдан бир неча мисол: дунёдаги миллионлаб кишиларни бирлаштирган, ирқчиликка қарама-қарши нодавлат ташкилоти 1955 йилда Алабамада Роза Паркс исмидаги автобусда негрларға ажратилган орқа томонига ўтиб ўтирмагани ва унинг оқ танлилар томонидан дўпқосланиб таъқирланганидан сўнг фаолиятини бошлаган эди. Мазкур нодавлат ташкилотнинг АҚШ сенати томонидан тан олиншига қадар ўтган даврда юз-

жамоавий фаровонлик; жамоавий озодлик, тинчлик ва тўтувлик тамойили тантанасига эришишни мақсад қилиб қўйди. Шарқона демократия мазмунида инсон ўз тинчлиги ва озодлигини жамоавий саодатда қўриши мумкин бўлиб, кўпчилик билан бирга бахт ва озодликни ҳис этишда деб билади: Шу боисдан ҳам ўзбеклар ўз бахти ва мусибатли даҳзаларини жамоавий шаклларда ўтказишиға мийилдилар. Халқимизда "ёлғиз отнинг" чанги чикмас, чанги чикса ҳам донги чикмас" нақли бежиз айтилмаган бўлиб, алоҳида

мамлакатлар турмуш тарзи учун одатий ҳолға айланган индивидуал ҳаёт ва фаолиятини, мулк шакллари, керак бўлса, гоё ва мақсалларни сугурта орқали қафолатлаш таърибалари ҳам пировард натижада инсон озодлиги даҳзиллигини таъминлашнинг муҳим кўринишидир. Дарҳақиқат, мамлакатимиз Президентини И.Каримовнинг "менин олий мақсадим инсоннинг инсонлигини рўёбга чиқариш" деган пўрҳикмат сўзлари замирида ҳам шахс озодлигиға кенг йўл очди, ўзи бахтли-саодатли, эркин қилиш, ўз ҳаёти, мақсадлари

асос солинди. Ижтимоий назорат концепцияси ҳалқимиз тарихида асрлар мобайнида эришилши мушкул бўлган орзу, идеал бўлиб келган. Форобий "Фозил одамлар шаҳри" асаринда ижтимоий назорат эришиш фақат илм-фан, маърифат даражаларига эга бўлган ориф жамоаларига насиб этади. Маърифатга эга бўлмаган ҳалқлар эса, ҳуж билан бошқарилишига мийил бўладилар, деб таъкидлайди. Абу Мансур ал-Мотуридий ҳам инсон шахси ва макъени турли ижтимоий-сиёсий, керак бўлса диний таъқиқлардан ҳимоя қилиш жамоавийлик зарурлигини асослаб, бу жамоавийликка ўзаро келишув негизда эришиш мумкинлигини орзу қилиб, ҳалқ тинчлиги, тўтувчилиги ва таракқоти фақат одамларро муроё мувоозанати юзага келганини амалга оширини баъорат қилган эди.

Ушбу муромиз орзу қилган ана шу муромий мувоозанат ҳолатларига истиқдолнинг мураккаб йиллари мобайнида эришганимиз улуг саодатлардан саналади. Ижтимоий назорат жараёнлари кишиларнинг ўзаро жамоавий уюшувлари, нодавлат ташкилотлар макъенининг мустаҳкамлашиға бевосита боғлиқ бўлгани боис, мазкур ҳаракатни қуйдаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Аҳоли турли табақалари, ижтимоий қатламлар психологияси ва интилишларини, монанд жамоат тузилмаларини таркиб топтириши рағбатлантириши.

2. Ўзбек халқи менталитетидаги жамоавийлик табиати инобатта олиб, маърака-маросим ҳамда тўй таъбирларини мейёрли асосларда ўтказишиға йўналтирилган жамоат ташкилотлари тузишини қўллаб-қувватлаш.

3. Нодавлат ташкилот тузилмаларини аҳолининг турар жойлари (маҳалла, қишлоқ, гузарлари), меҳнат фаолиятлари кечувчи муассасаларда ҳамда маданий дам олиш мақсадлари, клубларда ташкил этишни рағбатлантириши.

4. Аҳолининг этник-сулолавий ёки минтақавий бирлашувлариға эмас, балки касб-кор, савия, дид, қизиқишларидан иборат корпоратив асосларда уюшувға ин-

тилишларини янада рағбатлантириши.

5. Атроф-муҳит ва экология ҳимояси юзасидан турли ёшдаги аҳоли қатламларида табақалаштирилган тузилмаларини таркиб топтириш ва ривожлантириши.

6. Мамлакатдаги турли аҳоли қатламлари орасида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий муҳитга боғу беришининг муросий мувоозанатини мустаҳкамлашға қаратилган ҳаракатларни таркиб топтириш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда нодавлат ташкилотлар фаолиятини таъминлашнинг муҳим асоси юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаганларидек, жамоани ҳаракатга келтирувчи етакчи, лидер омилига кўп жиҳатлардан боғлиқдир. Лидерлар селекцияси, танлови эса аниққаса қуйи бўғинларда тизимий ва мақсадли тарзда амалга оширилиши реал самаралар беради. Унинг учун эса, маҳалла, қишлоқ, таълим тизимининг барча босқичларида, ишлаб чиқариш тузилмалари ва бошқа қатламларда истиқболли кадрлар банкни таркиб топтириш ва улар билан режавий тартибларда иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Айни шу мақсадларни рўёбга чиқариш учун ташкил этилган "Маҳалла", "Умид", "Устоз" ва бошқа нодавлат ташкилотларнинг фаолиятларини йўналтиришни, кадрларнинг шакллантиришнинг умумжамаиёт мониторингини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Айни ҳоғда ҳалқимиз менталитети, турмуш тарзи, феъл-атвори мантқиқдан келиб чиққан ҳолда, айни кунча тўлган, аммо ёши катта кадрларга давлат эътиборининг кучайтирилишти ҳам бежиз эмас. Зеро, Шарқ халқларида шахсларнинг ақлий-эмоционал этилишларининг эволюцион кечishi, жамоани бошқариш салоҳиятининг раҳбарларда айниққас 50-60 ёшларда фарқ палласига қиришини инобатта олиш ҳам фойдалан холи бўлмайди. Бу ёнда ўзбекларда масаллага эмоционал-ҳиссий ёлдошуви нисбатан рационал-ақл позициясидан ёлдошув устувор макъас касб этади. Бу борада шарқ халқлари учун муштарак ҳолат бўлган Хитой, Японияда биринчи давримларга

асосан катта ёшли, таърибали кадрларни тавсия этиш таърибалари эътиборга молиқдир. Юртбошимиз ташаббуслари билан 2002 йилнинг қарияларни қадрлашга бағишланишида нечоғли теран маъно муҳассамлиги ҳам бежиз эмасдир.

Президентимизнинг ижтимоий назорат концепцияси айни ҳоғда аҳолининг ишлаб чиқариш, таълим ва бошқа тузилмалари билан қамраб олинган қатламлари орасида ҳам амалга оширилувчи ишларни фаолаштиришни қўзда тутди. Мазлумки, бозор иқтисодиёти ҳамма нарсани талаб ва тақлиф, бозордаги нархи қийматига кўра баҳолаш тамойилига ўтказиши боис аҳолининг ёш, жинс, етарли касб малакаси ва билимлариға эга бўлмаган қисми орасида ишсизлар, маълум даражада аҳоли мейёрларидан оғиш ҳолатларига эга девиант гуруҳлар (фоҳишлар, тайнли яшаш ва ишлаш жойига эга бўлмаганлар, жиноят йўлига кирганлар, спиртли ва наркотик моддалар истеъмолига берилганлар) қатламларини юзага келтириши табиийдир. Шу боисдан ҳам ижтимоий назорат концепцияси нафақат давлат тузилмалари иншини, балки ўзгараётган макон ва замон жараёнлари маҳсули бўлган жамият таркибини ҳам доимий эътиборда тутиб боришни кўри тартибига қўйди. Бу йўналишда ўз йўлини йўқотган ана шундай аҳоли қатламлари йўртасида мақсадли фаолият юритишчи, кўмак беришчи, кишиларни ижтимоий фойдали ишларға йўналтирувчи, қайта ўқитувчи, касб беришчи нодавлат ташкилотларини қўлайтириш мақсадлари ҳам назарда тутилди. Бунинг учун эса аҳолининг тўқ ва таъминланган қатламлари орасидан танги, саҳий кишиларнинг беғариз кўмак беришларини мазкур жараёнларға даъват этиш, халқнинг бағри кенг, мард, ишбилармон вакиллари саховатли савий-ҳаракатларини рағбатлантириш йўлидан боришимиз зарурдир. Зеро, қадим-қадимдан ўзбеклар ўзгаларға эътиқ, ризқ-неъмат, кўмаклар беришдан завқ тутиб келган, ўзбекдан гадоғ чикмаган, гадоғи чикқан уруғ, қавм эса, эл-юрт

олдида изза қилиб келинган. Ижтимоий назорат айни ҳоғда мавжуд нодавлат ташкилотлари, жамғармалар, партиялар ишларининг ҳам самарадорлик даражаларини мунтазам равишда ортиришга имкон беради. Мазлумки, бугунги кунда мамлакатимизда 4 та партия, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, кўплаб жамғармалар фаолият юритмоқда. Мазкур жамоат ташкилотлари ҳам нодавлат институтлар сифатида муайян фаолиятларни амалга ошираётган бўлса-да, уларнинг аксарияти ўзининг ижтимоий негизига, ўз қатламлари, хайрихоҳлари манфаатларини ифода этишда етарли фаолият кўрсатмайти. Партияларнинг ҳокимиятга интилишлари нечоғли табиий ҳол бўлаб, жорий, кундалик ва мунтазам фаолиятлар ўз фирқалошлари қизиқишлари, мақсад ва интилишлари, турмуш тарзи, манфаатларининг энг тайинли ифодачиси бўлиши ҳам шунчалик зарурдир. Зеро, инсон мақсад ва манфаатлар муштараклиги негизига ўз ҳаётини ташкил этади. Ўзбек халқининг ўз томиринга кўпроқ таянишиға бўлган кучли тайинли инобатта олиш, менталитет хусусиятларидан келиб чиқиб иш тутиш нодавлат ташкилотлар самарадорлигини таъминлаш шубҳасиздир.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан ҳалқимизнинг бунёдкорлик фаолиятларини улуг мўлжаллар йўлиға эффектив йўналтириш борасида қилинаётган савий-ҳаракатлар негизига ана шундай мақсадлар мўжасамдир. "Бундай таъбирларнинг асосий мақсади, - деб таъкидлади Юртбошимиз ўзининг Олий Мақлис саккизинчи сессиясига сўзлаган маърузасида, - аввало жамоатчиликмиз, кенг омманинг сиёсий ва ижтимоий фаолиятини ошириш ва шу билан бирга уларнинг давлатимиз ва жамиятимизни бошқариш малакасиға кўпроқ жалб этишдир, десак, айни ҳақиқат бўлади".

Мансур БЕКМУРОДОВ, социология фанлар доктори, профессор.

ФАОЛЛИГИ

ташкилотларининг ўрни қандай?

ларнинг қишлоқ ҳўжалиги, маънавий хизмат кўрсатиш, туризм, таълим, саноат ва маданият соҳаларидаги маънавий тобора мустаҳкамланиб бораётди. Ижтимоий тузумнинг демократик тамойиллар асосига қурилиши нодавлат ташкилотларнинг сиёсат соҳасида ҳам янги имкониятлар майдонига олиб чиқади. Нодавлат ташкилотларнинг бугунги дунё жараёнларидаги ўрни ва роли шундай билан кенгайиб бораётган бир пайда демократия тамойиллари эволюцион асосларда изчил ўрнатилган мамлакатимизда кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш ишларини рўёбга чиқариш ҳаракати кенг тус олмақда.

Юртбошимиз Ислам Каримов нодавлат ташкилотлар ҳодисасига мамлакатдаги демократик ҳолатлар

Мулоҳаза

ШАРҚОНА ОДОБ УСТУВОР БЎЛСА...

Аньана ва маросимларнинг замонавийлиги ҳақида

Хар бир халқнинг аъна-насида ўша халқнинг турмуши, маданий камолот даражаси, миллий онг ва кийфаси ҳам акс этади. Аньана ва маросимларнинг замонавийлик хусусиятларидан бири улар кишиларни бирлаштириш, бошқариш, уюштириш каби вазифаларни бажаради. Ота-онанинг бир-бирига, фарзандларига муносабати; қариндosh-уруғчилик муносабатлари; қуда-андачилик; "ховли олма, кўшни ол" мақолига таянувчи яхши кўшнчилик; ҳашар; тўй-томшоқларга боғлиқ сайъ-ҳаракатлар; хотира, диний маросимлар; маҳалла-кўйчилик; кексаларга ҳурмат; эл-юртга садоқат; меҳмондўстлик каби қўлбал миллий аънава ва урф-одатлар ўзбекларни бошқа халқлардан ажратиб туради.

Аньана ва маросимларнинг экологик аҳамияти: ўзбеклар дарахларга нисбатан узага муносабатда бўлган. Одатда оилада ўғил фарзанд туғилса, кўчатлар: тол, терак, қайрағочлар экишган Бу, албатта, биринчи навбатда экологияни асрашга, ҳавонини тозалашга ёрдам бериши, иккинчидан, қурилатган уй учун арзон ҳомаш. Энг қадимги одатимизга кўра ўзбек оиласи тўйдан бошланади. Тўй қилиш азалги аънамадир. Абдултурқдан Алпомиш Алп Эр Тўнгалардан бундан давом этади келаятган, халқнинг қон-қони, жон-жонига, шу дунёда сизнинг меросингиз одад.

"Тўй қилишнинг нима кераги бор, фалончи-фалончи жойларда бундай одат йўқ-ку", дегувчи айрим кимсаларнинг "мулоҳаза"лари га қўшилиб бўлмайди. Тўйсиз, яъни жамиятдан тўйини ҳолда "оила" қури-лаётган жойларда қўйди-чикдининг қўлгилгини эс-лаш қийон. Тўю маърака-ларга ўринсиз тош отиш инсофдан эмас. Лекин тўй баҳона сохта обрў орти-риш илнжиди ким ошарга исрофгарчилик қилаёт-ганларни ҳам қилаёт-бўлмайди. Шу боис ортик-ча хашам, дабдаба тўйга ярашмайди. Баъзи бир тўйларни кўриб, тўй қилиш-дан мақсад ўзи нима деган савол туғилади.

Бундан 4 йил олдин, аниқроғи, 1998 йил 28 ок-тябрда Президентимизнинг тўйларни тартибга со-лишга оид фармони ким-нингдир манфаати, ҳуқуқларини чекламадан, балки кишиларнинг маънавий даражасини йўлга солишда, меъёр ҳис-сини уйғотишда, ҳушёр-ликка чорлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Мен бу борада ҳозир барча камчиликлардан холи

Дилбар ҚОДИРОВА,
Тошкент давлат Маданият
институтининг талабаси.

Туғу

Инсон фикрлашда давом этар экан, албатта, хар нарсадан, хатто, ерга тўкилиб ётган ҳазонлардан ҳам маъно қидира бошлайди. Бу дунёда бирор нарса йўқки, инсонни мушоҳадага ундамас. Сир-

СИРЛАР ИЧРА СИР

асрорли воқеа-ҳодисалар инсон умри давомида жуда кўп учрайди. Шулардан инсон қалбидида қолган мени хайратга солади. Шейрият: ундаги нафис-лик, гўзаллик киши кўнглини жунбушга келтиради. Қанчки, унда сирлилик мавжуд бўлса! Эътибор қилган бўлсангиз, сирли кишилар бошқа инсонлардан ажралиб туришади. Улар шу боис ҳурмат-эътиборга ҳам сазовордирлар.

Сирли нарсаларни шивирлат тилим Сирлидир — қаерга боқмасин кўзим.

Париждеки мушкни Зулфи жоним муштамад этмиш,
Малойик қўшларин ул завља мўлар бирла банд этмиш.

ОРИФ АЛАР

Ватан ва жаҳон тарихини варақласак, оламда қанчадан-қанча қаҳрамон аёллар, юксак ақл-заковатли донишманд, маърифатлардор, шонли ва оламга хотин-қизлар шунингдек, баланд маънавий мартаба-ларга эришган қароматли, орифа, пок-ча жонимлар утанини кўриб, хайратга тушамиш. Мумтоз тасаввуф адабиётинда, Абдуллоҳ ал-Ансорийнинг "Табакот ус-суфия", Фаридулдин Атторнинг "Таъриқ ул-авлиё", Абдурахмон Жомийнинг "Нафа-хот ул-унс", Алишер Навоийнинг "Насоим ул-муҳаббат" асарларида маъно оламиде эркаклар мартабасига етган бир қанча соҳибқаромат аёлларнинг маънавий холи-баён қилиниб, уларнинг ҳаётларида лав-ҳалар, ҳикмати суларидан намуналар келтирилган.

Мозий китобини варақлаб, маънавий камолот ва ахлоқий гўзаллик намунаси бўлган аёлларни эслаш бугунги кунда иб-рат нукта назаридан ҳам фойдалидир. Алишер Навоийнинг "Насоим ул-муҳаб-бат" асарида ўттиз олти нафар орифа аёллар зикр қилинган. Маънавиятда эр-каклар мартабасига эришган бу муқтарам аёлларни ёд этишдан олдин Алишер На-воий қуйидаги сўзларни битади: "Шайх Бузургвор (ёъни, улуг шайх) Муъйиддин Арабий, Аллоҳ ул зотинг сирини му-қаддас қилсин, "Футуҳоти Маъкий"нинг ет-миш учинчи бобиде риколлulloҳ табако-тидан (яъни, эркак авлиё зотлар табақаси-дан) баъзиларини зикр қилганларидан кей-ин, бундай деганлар: "Биз зикр қилган бу тоифадиги кишиларнинг барчасини рижол, яъни эркаклар деб атаймиш. Шунингдек, улар орасиде аёллар ҳам бор. Лекин эр-какларнинг саногии кўп".

"Баъзи кишилардан: "Абдоғлар неча нафардирлар?" деб сўрадилар. Айтди: "Қир-қатдирлар". Унга айтдилар: "Нега қирқта эркак деймангиз?" Айтди: "Улар орасиде аёллар ҳам бўлади...". Демак, бундан маълум бўладики, Ҳақ таоло оламни яхшилариде қоним қилган авлиёлар турғу орасиде аёллар ҳам бор экан. Шундан сўнг Алишер Навоий жа-ҳонга машҳур "Табакот ус-суфия" асари-нинг муаллифи ҳақида бундай дейди:

олиб ўсади— деган фикри-ни эслаш жоиздир. Дунё чипор тарвуздек тур-ли муҳитларга бўлинган. Ана шундай шафқатсиз ҳаётда бўлбул ошенини қаргалар ма-қон тутиши ҳам мумкин. Хур-шида ҳам ўз ошенига қарга-ларни кўндириб, Бу қаргалар аста-секин Тахминанинг қал-бини ҳам чўқий бошлади.

ДИЛДА ОҒРИК УЙҒОТГАН СОҶИБЖАМОЛ

Оилада тез-тез бўлиб турган маънавий ўпирилишлар катта жаролини ҳосил қилди. Хою-ҳаваслар гирдобидида оила бора-бора бутунлай фо-хишбозлик йўлига ўтди. Ана шундай носоглом муҳитда барча тубанликларни ўз кўзи билан кўрган Тахмина ким бўлиши мумкин эди? Кўш у-сида кўрганни қилади. Тахмина ҳам бу йўлга қандай қирганини билмай қолди. Шогирд устозидан ўтганидек "беҳиётёр" бу йўлга кирган Тахмина онасидан ҳам узиб кетди. Бу фоҳижада ўз оила-сини, фарзандларни юзига оёқ қўйган эйдонсиз, тул кутур-тирган Мумтоз, Истам каби разил кимсалар ҳам бош ай-дорлар эди. Асарда Тахмина буларни: "Улар менинг ёшлигимни, шарбатимни, қонимни сўриб олмоқчи бўлаётган зулуклар" деб таъ-рифлайди.

Саҳифа материалларини Иноят УБАЙДУЛЛАЕВА тайёрлади.

АЁЛ ВА ОИЛА ҲАҚИДА Х А Д И С Л А Р

Хотинларнинг берақалироғи — сарф-ҳаражатни камроқ та-лаб қиладиганидир.

Одамларнинг ичиде хотин қишига нисбатан ҳақироғи унинг эридир. Эрилик нисбатан одамларнинг ҳақироғи—бу унинг онасидир.

Аллоҳ таоло аёллар билан яхши муомалада бўлишларини таъсиб этади, чунки улар оналаринг, қизларинг, ходаларингдир. Бошқа дин аҳллариинг хар бири қўли илга ҳам бормаган аёлса уйланса ҳам, бир-бирларидан безор бўлиб ажрალიшиб кетмайди-лар.

Қачонки эр ўз хотинига ва хотин ўз эрига қарашса, Аллоҳ таоло ҳам уларга раҳмат назари билан қарайди. Бордию каф-тини кафтига қўйса, бармоқлари орасиде гуноҳлари дув-дув тўки-лади.

Аёл киши эркак кишининг чап қовурғасидан ярамиландир. Агар сен эри қовурғани тўғирламоқчи бўлсанг синдириб қўйсан. Бас, у билан мурося қил, шунда бирга яшай оласан.

Аёл дийнати ёки молу дунёси ёқуд ҳусну жамоли учун никоҳ қилинади. Сен дийнатиусини талаасин, барака тоғтур.

Аёлларга эркаклар ўз туғишган она-сингиллари каби муноса-батда бўлишлари керак.



Алишер Навоийнинг "Насоим ул-муҳаббат" асарида маъно оламиде эркаклар мартабасига етган орифа аёллар зикри

"Шайх Абдурахмон Сулайми — "Табако-ти машоийхнинг соҳибий, Аллоҳ таоло у зотни раҳмат қилсин, нисбат ун-обидот ва нисо ун-орифот ахлоқи зикрида, яъни обиде аёллар ва орифа хотин-қизларнинг маъ-навий холилари ҳақида ало ҳаддики (ўз ҳадди-иктидори даражасиде, етарли даражада) бир китоб жамъ қилганлар ва улардан қўпининг ахлови шарҳини баён этганлар".

Бу муҳим маълумотдан сўнг Алишер Навоий араб тилидаги шеърни илова эта-ди, биз уни ўзбекча таржимиде тақдим этамиш:

Биз зикр қилган каби бўлса гар зоти аёл,
Унда эркак зотиди, афзал бўлур бемалол.
Шамс исмининг муайнас эканлиги айб эмас,
Фахр эмасдур, музаккар бўлса гар исми Ҳилол.

Маъноси: аёллар биз зикр қилгандек бўлсалар, унда эркаклардан афзалдирлар. Шамс — Кўешнинг исми муаннас, яъни аёл жинсига оид эканлиги унга айб эмас, шунингдек, Ҳилол — Ойнинг исми музак-кар, яъни эркак жинсига оид эканлиги унга фахр эмас.

Биз ҳазрат Навоий матнларини ҳозирги тилга мувофиқлаштириб, баён этадик. Шундан кейин Алишер Навоий орифа аёллар зикрига киришди. Биз "Насоим" тартибиде эмас, балки мавзуга мувофиқ танлаган ҳолда, бу соҳибқаромат аёллар зикрини хар турли манбавлардан сара-лаб, "Хуррият" муҳиблари эътиборига ҳаво-ла этамиш. Эеро, улар сийратиде бугунги кунимиз учун зарур бўлган гўзал ибрат-лар мавжуд.

Зайтуна Алишер Навоийнинг "Насоим ул-муҳаббат" асарида 749-рақам ила зикр қилинган. "Наҳрхот ул-унс" ҳамда "Насо-им"дан фойдаланиб, бу орифа аёл зикри-ни бугунги тилга мувофиқлаштириб, баён этамиш. Бу кичик қиссаде авлиёларни ран-житиб бўлмаслиги таълим қилинган. Унинг исми Фотима эди. У Абу Ҳамза,

Зулхумор КЕНЖАБОВА тайёрлади (Давоми бор).

Санъат

ҚАЛБ ТАЛПИНИШЛАРИ

Тасвирий санъат инсон кўнгли, руҳияти қирраларини та-свирлашда беқисс қудратга эга. Тасвирий санъатнинг ўзига хос фалсафаси, фикрлаш усуллари мавжуд. Мусаввир мўйқалами билан ўзининг тасавури дунёсини матоаб ақс эттира бошлайди. Хар бир чизик, хар бир ранг ҳамоҳангликда унга хизмат қи-лиши керак. Тасвирий санъат тарихида, бугунда, келажакда муҳим ва доимо етакчи бўлгани бу Инш. Аёл, Табиат мавзуда-ридир.



Гулзора Султонова "Саод-дат" журнали бош рассоми. Бу катта истеъдод соҳибасининг ижоди билан таниша борсангиз, кичкина жусали аёл сиймоси кўз ўнгингизда салобат касб этиб, юксала боради.

Хайратларга сабаб бўлгу-чи мусаввирнинг график қаламтаасвир ишлари олдин-га бироз бошингизни қоти-риши мумкин. Сал ўтиб тас-вирлар ўз маъно-моҳияти ҳақида (тўғирроғи, биз ан-лаганимизча) ўз сирларидан воқиф қила бошлайди. Аёл — дунё. Аёл — Она. Аёл — нозик, меър-муҳаббат соҳибаси. Бу биз билган сиф-атлар. Мусаввир бизни гра-фик ишларидаги композици-ялари билан аёлнинг кўнда аён бўлмас, хар доим ҳам ошқор қилинавермайдиган ўлкаларига сайр қилдиради.

Гулзора Султонова аёл дунёсининг ўзига хос суратини чизади. "Орзу" қаламтаасви-рида мусаввир кўшма аёл об-разлари орқали бир қарашда маъмурок бўлган манзарани таасвирлади. Учишга урина-ётган қўшча, унга жон-жаҳди билан ёпишиб олган аёл. У ҳам парвоз иштиққиде. Ле-кин унинг вази унга монель-лик қилмоқда. Бу асарда орзу-куши учинга чоғланган, лекин рўзғор ташвишлари аёлни хар доим ушлаб қолиб, орзунинг амалга ошишига

Дилфуза КАМОЛ

Муносабат

УЯТГА ҚОЛМАЙЛИК

Паризод! Ўтган саҳифанг-даги бир мақола (Д.Файзиқ-ўжаева. "Яхши мутахассис очичинг керак, талаба қиз") мени ушбуларга қизларни унда Дарҳақиқат, қизларни мени аввало бир мақсадни ол-диларига қўйган ҳолда тала-ба бўлса эдики. Бирок шун-чаки вақтни ўтказиб ёки "ота-она орзуси"ни амалга оши-риш учун талаба бўладиган бўлса, бундан ёмонни йўқ. Унда кўра бирор ҳунарни ўрга-ниб, элга нафи теккани маъ-қул. Чунки айтадиган бўлсам, баъзи аёлларнинг одоб-ахло-ди, Дарҳақиқат, фалон инсти-тутда ўқиниши пеша қилиб, яъни бир хондоннинг эрқа-келини бўлиб олиши турган гап. Бундан кейин секин-аста оилада келишмовчилик-лар, уруш-жанжаллар бошла-ниб, охири ажрალიшгача бо-риб этади.

Модомки, талаба қизнинг мақсади яхши мутахассис

Азиза ҲАЙДАРОВА

Муллола

Дунё — ўқиб тугатилмаган китоб. Бу китобни варақлаб эканмиз, дунёнинг енгил-елпи ўйинларига берилиб, охир-оқибат қулаган девор-дек ер билан битта бўлган инсонларни кўриб, киши юрагига игна санчилгандек туюлади.

Қалб кўзи қанчалар тий-рақлашгани сарин мени англа-ган Ок ранг кўзиде доғ. Вафо шеваси ёнда хивнат борлиги-ни ҳам англа бошладим ва беҳиётёр савол қотдим: Ок ранг оқлигича қолаверса бўлмайди? Шундай лаҳза-ларда Солиҳ Қаххорнинг "Даиди қизнинг дафтари" аса-рини ўқиб қолдим. Мен тен-ги бир қизнинг тақдир янги-ниги саволларга жавоб из-лашга, дунёга кўзини яна-да каттарок очиб боқишга ва-дади. Беҳиётёр асар қаҳра-монларидан сўрай бошладим: Инсон деганда нимани тушу-наси? Яшайдан мақсадни-гиз не? Нахот умр нафсини қондирш учун берилса? Кўнгли не? Нахот у хою-ҳавас-ларга макони бўлса? Иш не? Нахот у кўнглиниги ақлиниги бўлса? Ахир яшайдан, Аллоҳ ато этган умрни ўтказишдан мақсад нима?

Ҳаёт кеңиришдан мақсад, Пахлавоин Махмуд тили билан айтсак, "шамга парвоналиг"дир. "Даиди қизнинг дафтари" асари бош қаҳрамони Тахми-на... Дилдаде оғрик уйғотган гўзал, ҳаётларини қалтирган тилмол — мана шу! Тахминанинг маъсум юра-ғиде "ёмон кўзлар" макон ту-тишига сабаб нима?

Муслмон оламиде оила қуриш оstonасидида йигит-қизнинг нопоқликлардан па-рҳез қилиши талаб қилина-ди. Негаки, ота-она гуноҳи-нинг балоси ўзигагина эмас, фарзандларини, етти пуштига-ча етиб бориши мумкин.

Зайтуна

Зайтуна Алишер Навоийнинг "Насоим ул-муҳаббат" асарида 749-рақам ила зикр қилинган. "Наҳрхот ул-унс" ҳамда "Насо-им"дан фойдаланиб, бу орифа аёл зикри-ни бугунги тилга мувофиқлаштириб, баён этамиш. Бу кичик қиссаде авлиёларни ран-житиб бўлмаслиги таълим қилинган. Унинг исми Фотима эди. У Абу Ҳамза,

ЭЪЛОН

"Хуррият" газетасида берилган "GAZETA HURRIYAT TAHRIRIYATI SHO'VA KORHONASI" думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

Mustaqil gazeta
HURRIYAT

Mustaqil gazeta
HURRIYAT

Узбекистон Оммовий ахборот воси-таларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жағғармаси

Бош муҳаррир Амиркул КАРИМОВ

Тахрир хайъати: Турсунали АКБАРОВ (мақсус муҳбир), Хуршид ИБТУМУХАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқоҳор ОЧИЛОВ, Ном КАРИМОВ, Норали ХУДОЕВОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Исмаи ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚУЧҚОВ

Газета Узбекистон Республикасини Давлат матбуот қўмитасиде 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўча-си, 16-йил. Телефон: 144-25-06, 41-52-72.

Индекс: Яққа обуюнчолор учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошма-хонасида босилди. Манзил: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Турсунали АКБАРОВ

Тошшириш вақти — 21.00
Тошширилди — 20.00
Буюртма — Г — 573

Муаллиф фикри тахририят нукта назаридан фарқла-ниши мумкин. Тахририятда юборилган мактуб ва мақола-ларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida Jamshed Toq'ov tomonidan sahillandi.